Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 200 (6.091) ◉ 1986 йил 30 август, шанба ◉ Баҳоси 3 тийин

Замондошимиз



## Орзу йўлида

Тошкент чинни заводининг маҳсулотлари нафақат республикамизда, чет элларда ҳам шуҳрат қозонган. Ҳозир «Пахта», «Кийик» деб номланган сервизлар деярлик ҳар бир хонадонда бор. Заводда «Нафосат» деб номланган яна бир сервиз ишлаб чиқарилмоқда. Атир гул расми туширилган лаган, коса, ликобча, чойнак ва олтита пиёладан иборат бу сервиз ҳам ниҳоятда гўзал. Бу корхона рассоми Қудрат Мираҳмедов санъатининг намунасидир. Чаман очилган атир гул ва ғунчалари тасвирини табиийсидан асло ажратолмайсиз.

— Расм чизишни ёшлигимдан яхши кўраман,— дейди Қ. Мираҳмедов.— Мактабда ўқиб юрган кезларимда ҳам А. Набиев номидаги пионерлар уйининг рассомлик тўгарагига қатнар эдим. Шу орзуим туфайли мактабни тугатишим билан чинни заводига ишга келдим. Инобат опа Ғуломова менга чиннига гул солишнинг сир-асрорларини ўргатди. Шунга ҳам саккиз йил бўлибди. Ҳозир тўртинчи разрядим бор...

Қудрат жуда камтар йигит. Шунинг учун ҳам «4-разрядли рассомман» дегани йўқ. Коллектив ва ҳамкасблари ўртасида маълум эътибор қозонгани, ҳатто Ғ. Алимов каби ёшларга устозлик қилаётганига қарамай ўзини ҳали ҳақиқий рассом деб ҳисобламайди. Эзгу орзуси йўлида у бу йил Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти тасвирий санъат факультетининг кечки бўлимига ўқишга кирди.

Қ. Мираҳмедов КПСС аъзолигига кандидат. Ўз зиммасидаги барча топшириқларни ҳамиша сидқидилдан адо этади. Ҳар ойда 20—25 комплект «Нафосат» сервизига гул туширади. Уларнинг сифатига ҳали бирор марта ҳам эътироз бўлгани йўқ. Шу билан бирга у «Комсомол прожектори» деворий газетасини чиқаришга ҳам вақт топади. Ҳақиқий коммунист ана шундай ҳар соҳада ўз-ўзига ғалабчан бўлиши лозим.

СУРАТДА: рассом Қудрат Мираҳмедов.

Т. Каримов фотоси.

# КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси 28 август куни бўлиб ўтган мажлисида ўқув юртлари коллективларида, корхона ва ташкилотларнинг партия-хўжалик активлари йиғилишларида КПСС Марказий Комитетининг «Мамлакатдаги олий ва ўрта махсус таълимни қайта қуришнинг асосий йўналишлари» лойиҳаси муҳокамасининг якунларини кўриб чиқди. Лойиҳа мутахассислар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш системасини тубдан такомиллаштириш программаси, деб ҳамма жойда ёппасига маъқуллангани ва қўллаб-қувватланганлиги, бу программанинг амалга оширилиши совет жамияти социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришга кўмаклашиши қайд этилди.

Лойиҳани муҳокама этиш чоғида мутахассислар тайёрлаш даражасини анча юксалтиришга ва улардан халқ хўжалигида фойдаланишни тубдан яхшилашга қаратилган 200 мингтадан кўпроқ мулоҳаза ва таклиф айтилди. Бу мулоҳаза ва таклифлар жойлардаги партия комитетлари, министрликлар ва идораларнинг коллегиялари томонидан кўриб чиқилди. Олий ўқув юртлари, техникумлар, билим юртларининг фаолиятидаги камчиликларни тугатиш ва мавжуд резервлардан фойдаланиш тадбирлари ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

Муҳокама якунлари юзасидан КПСС Марказий Комитетининг лойиҳасига аниқликлар, қўшимчалар ва ўзгартишлар киритилди. СССР Министрлар Совети қайта қуришнинг асосий йўналишларини амалга ошириш юзасидан тегишли қарорлар тайёрлайди. Бошланаётган ўқув йилидаёқ олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг фаолиятини яхшилаш соҳасидаги ишларни авж олдириб юбориш ҳамда уни КПСС XXVII съезди қарорларига мувофиқ ривожлантиришнинг сифат жиҳатидан янги даражасини таъминлаш зарурлиги таъкидланди.

Сиёсий бюро партия XXVII съезди қарорларига биноан халқ хўжалиги ишлаб чиқариш тармоқлари ходимларининг иш ҳақини ташкил этишни такомиллаштириш ҳамда янги тариф ставкалари ва мансаб окладларини жорий этиш юзасидан ишлаб чиқилган тадбирларни кўриб чиқди, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг шу масалага доир қарорида меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил этишни тўла такомиллаштириш, тариф системасининг ролини ошириш, мукофотлашнинг, рағбатлантирувчи қўшимча ва устама ҳақларнинг таъсирчанлигини кучайтириш, меҳнатни нормалашни яхшилаш кўзда тутилади. Саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт ва алоқа ходимлари учун янги оширилган тариф ставкалари ва мансаб окладларини жорий қилиш белгиланди. Бу тадбирларни ўн иккинчи беш йиллик ичида амалга ошириш назарда тутилади.

Иш ҳақини такомиллаштириш соҳасидаги иш янги хўжалик механизмини, тўла хўжалик ҳисобини, ўзини-ўзи пул билан таъминлашни жорий этишнинг таркибий қисми бўлиб қолиши лозимлиги таъкидланади. Бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотлар ходимларининг тариф ставкалари ва мансаб окладларини ошириш принципиал янги асосда — меҳнат коллективларининг хўжалик фаолиятини яхшилаш ва улар ишлаб топадиган маблағлар ҳисобига амалга оширилиши лозимлиги назарда тутилди. Янги серунум техника ва технологияни ишлаб чиқиш ҳамда уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ва фойдаланиш билан машғул бўлган энг малакали ишчилар, инженерлар ва бошқа мутахассисларнинг меҳнатига ҳақ тўлашда афзаллик яратилмоқда.

Партия, совет ва хўжалик органларига, касаба союз ҳамда комсомол ташкилотларига меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги шароитларига ўтиш соҳасидаги ишларга тайёргарлик кўриш ва уни амалга оширишда меҳнат коллективларининг бевосита иштирок этишларини таъминлаш таклиф қилинди. Бу иш кенг ошкоралик вазиятида уюшқоқлик билан пухта ўтказилиши керак. Белгиланган тадбирларни амалга ошириш меҳнаткашларнинг ғайрат-шижоати ва ижтимоий-сиёсий активлигини оширишнинг муҳим воситаси, ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстиришнинг, ишдаги сифат кўрсаткичларини яхшилашнинг, ички резервларни сафарбар этишнинг янги омили бўлиши керак.

Сиёсий бюро табиий ва суюлтирилган нефть газларидан мотор ёқилғиси сифатида кенг фойдаланиш соҳасидаги тажриба ва таклифларни маъқуллади. План ва хўжалик органларига юқори босимда қисилган табиий газ ва суюлтирилган нефть газида ишлайдиган, юк ташийдиган ихтисослаштирилган автомобиллар, автобуслар, шаҳар коммунал хўжалиги учун машиналар ва юк ортиш машиналари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, уларга ёқилғи қуядиган иншоотларни қуриш ва ишга тушириш топшириқлари берилди. Белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши бензин ва дизель ёқилғиси сарфини анча қисқартиришни таъминлаш имконини беради.

СССР қонунларини такомиллаштиришнинг 1986 — 1990 йилларга мўлжалланган истиқболлари тўғрисидаги таклифлар кўриб чиқилди. Шу муносабат билан совет жамияти ривожининг ҳозирги босқичи талабларига биноан ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга қаратилган бир қанча қонун ва бошқа норматив актларни тайёрлаш мўлжалланмоқда.

Сиёсий бюро Е. К. Лигачев, В. А. Медведев ўртоқларнинг жаҳон касаба союз федерацияси раҳбарлари Ш. Гашпар, К. Гофман ва И. Закария билан КПСС Марказий Комитетида ўтказилган музокаралар тўғрисидаги ахборотини тинглаб, ҳозирги дунёда касаба союзларининг, бошқа оммавий демократик ҳаракатларнинг роли ошиб бораётганлигини уқтирди. Ядро хавфига қарши, тинчлик ва социал тараққиёт учун курашаётган турли маслакдаги жамоат ташкилотларининг баҳамжиҳат ҳаракатларини ривожлантиришга совет жамоат ташкилотларининг кўмаклашуви муҳимлиги таъкидланди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси иқтисодий қурилишнинг, совет органлари учун юридик кадрлар тайёрлашнинг ва КПСС XXVII съезди белгилаган ташқи сиёсий стратегияни амалга оширишнинг бошқа баъзи масалаларини ҳам кўриб чиқди.

КПСС XXVII СЪЕЗДИ

## Унумдорлик ошмоқда

Ўн иккинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилган кўпгина меҳнат коллективлари меҳнат унумдорлигини ошириш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Масалан, 1-Тошкент тажриба -механика заводи коллективи планга қўшимча 50 минг сўмлик кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш учун курашяпти.

«Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи эса ўн иккинчи беш йиллик охиригача 8,6 миллион сўмлик кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш мажбуриятини олган. Шу кунларда мусобақани оқилона ташкил этиш, уни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратишга, мусобақага раҳбарликни яхшилашга, бу борада шахсий масъулиятни оширишга, мусобақанинг ҳар бир қатнашчисига энг муҳим кўрсаткичлар бўйича топшириқларни ўз вақтида беришга эътибор қаратилмоқда.

904-счётга

## Қардошлик бурчи

«Узбексельмаш» машинасозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси капитал қурилиш бўлими бошлиғининг ўринбосари Вадим Радченко иккинчи квартал якуни бўйича олган 40 сўм мукофот пулини 904-ҳисобга — Чернобилга ёрдам фондига ўтказди. В. Радченко ёш мутахассислардан. Унинг олий ўқув юртини тамомлаб келиб, корхонада меҳнат қилаётганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо у қисқа муддатда ўзининг ишчанлиги, топширилган вазифага масъулият билан қараши туфайли оддий инженерликдан капитал қурилиш бўлими бошлиғининг ўринбосари, бўлим партия ташкилотчиси даражасига кўтарилди.

«Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида май ойининг учинчи ҳафтасида шанбалик ўтказилиб, коллектив шу куни ишлаб топилган жами иш ҳақини Чернобилга ёрдам фондига топширганди. В. Радченко ўшанда ҳам зўр ғайрат-шижоат кўрсатиб, шанбалик яхши ўтказилишига муносиб ҳисса қўшганди.

— Совет кишилари катта, ягона оиланинг аъзоларидир, — деди В. Радченко биз билан суҳбатда. — Шунинг учун ҳам биз дўст бошига тушган ташвишни ўз ташвишимиздай қабул қиламиз. 1966 йилдаги Тошкент зилзиласида Украина қардошларимиз бизга биринчилардан бўлиб ёрдам қўлини чўзишганди. Бугунги кунда атом электростанциясидаги авария туфайли улар бошига ташвиш тушди. Бундай шароитда дўстларимизга ёрдам қўлини чўзиш ҳар бир совет кишисининг қардошлик бурчидир.

# Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетида

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети бюроси шаҳарда капитал қурилишнинг аҳволи тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Бюро капитал қурилишдаги ишлар қониқарсиз аҳволда, деб қайд этди. Аслини олганда қурилиш ташкилотлари ҳали ҳам уй-жой, соғлиқни сақлаш, мактабгача болалар муассасалари объектларига, саноат корхоналарини реконструкция қилиш ва техника билан қайта жиҳозлашга ажратилган капитал маблағларни ўзлаштириш суръатлари кескин кўпайиши билан боғлиқ ўсиб бораётган вазифаларни ҳал этиш бўйича ишларни авж олдирганларича йўқ.

Етти ой мобайнида асосий фондларни ишга тушириш йиллик топшириғи атиги 35 процент, капитал маблағларни ўзлаштириш топшириғи 47 процент, қурилиш-монтаж ишлари бўйича топшириқ 50 процент бажарилди, холос.

«Главташкентстрой»нинг, унинг трестларининг коммунист-раҳбарлари шаҳар партия комитети бюросининг давлат планини бажариш бўйича 1986 йил 24 июндаги қарорларидан тегишли хулоса чиқариб олмаганлар, деб қайд этилди. Етти ой мобайнида қурилиш-монтаж ишлари ҳажми 94 процент, ўз кучлари билан 93 процент, меҳнат унумдорлиги бўйича план 96,7 процент бажарилди. Уй-жойларнинг қарийб 90 проценти асосан ойнинг сўнгги кунларида фойдаланишга топширилади, бу ҳайбаракаллачиликка олиб келади, иш сифатига салбий таъсир этади.

Қурилиш ишлаб чиқариши етарли даражада ташкил этилмаганлиги натижасида умуман «Главташкентстрой» бўйича давлат планларини бажариш суръатларининг пасайиши кузатилмоқда. Жумладан, июль ойида қурилиш-монтаж ишларини бажариш аввалги ойларга нисбатан сезиларли даражада камайди.

«Главташкентстрой»нинг айрим корхоналарни реконструкция қилиш ва техника билан қайта жиҳозлашга муносабати жиддий ташвиш уйғотади.

Лоқайдлик, турли баҳоналарни излаш Тошкент шаҳрида қатор қурилиш ташкилотлари томонидан уй-жой ва социал-маданий-маиший объектларни қуриш топшириқларининг тўла барбод этилишига олиб келди. Жумладан, «Узагропромстрой»нинг 3-трести (бошқарувчиси Р. А. Исоқов) бунёд этаётган олти уйда етти ой мобайнида атиги 10 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилган. Ваҳоланки, 1,9 миллион сўмни ўзлаштириш планлаштирилган эди. «Узбекгидроэнергострой» тресги планлаштирилган учта турар жой биноси қурилишига амалда киришгани йўқ. «Средазтрансстрой» тресги (бошқарувчиси М. А. Омельницкий), «Главсредазирсовхозстрой» (бошлиқ ўринбосари Р. С. Қосимов), «Госкомводстрой» (раис ўринбосари У. Ш. Олимбоев) ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети бўлимлари уй-жойларни ва мактабгача болалар муассасаларини фойдаланишга топшириш планларини барбод этмоқдалар.

Район партия комитетлари, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, район ижроия комитетлари уй-жой ва маданий-маиший объектлар қурилишининг барбод этилиш фактлари билан муроса қилиб келишяпти, уларга принципиал баҳо беришмаяпти, капитал қурилишига раҳбарликни сусайтириб юборишган амалий ёрдам кўрсатишмаяпти. Масалан, Ҳамза районида уй-жойларни фойдаланишга топшириш топшириғи етти ой мобайнида 34 процент, Акмал Икромов районида 43 процент, Ленин районида 47 процент бажарилган.

Шаҳар партия комитети бюроси коммунист-раҳбарларни шахсий масъул эканликлари тўғрисида қаттиқ огоҳлантирди ва улардан йўл қўйилган қолоқликка барҳам бериш юзасидан зудлик билан чоралар кўришни талаб қилди ҳамда район партия комитетларига, район ижроия комитетларига, қурилиш бўлинмаларининг бошланғич партия ташкилотларига 1986 йил давлат капитал қурилиши планининг барча кўрсаткичлар бўйича сўзсиз бажарилиши юзасидан таъсирчан тадбирларни белгилаш ва амалга оширишни топширди. Уй-жойлар, болалар боғчалари, касалхона ва поликлиникаларнинг бир маромда фойдаланишга топширилишига алоҳида эътибор бериш лозим. Барча қурилишларда ишни икки сменада, уйсозлик комбинатларида эса уч сменада ташкил этиш, қурилиш ташкилотларини ишчи кадрлар билан комплектлашда ёрдам бериш, ишчилар, айниқса иккинчи сменада ишловчилар нормал овқатланиши, савдо ва транспорт хизмати кўрсатилишини таъминлаш керак. Тольяттиликлар ташаббусини амалий равишда ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, план-топшириқлари ортиғи билан бажарилиши учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириш лозим.

Район партия комитетлари капитал қурилиши, уй-жой, социал-маданий-маиший, соғлиқни сақлаш объектларини ишга тушириш планлари бажарилишини барбод этаётган коммунист-раҳбарларга принципиал баҳо беришлари лозим.

Шаҳар партия комитети бюроси шунингдек «Правда Востока» газетасининг 1986 йил 30 июль сонида эълон қилинган «Мақсад аниқ бўлмагач» мақоласида баён этилган фактларни кўриб чиқди.

Мақолада Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги аппаратининг партия ташкилоти ишидаги камчиликлар жуда тўғри кўрсатилган, деб қайд этилди. Партия бюроси цех партия ташкилотларига раҳбарликни бўш амалга оширяпти, бунинг натижасида уларнинг айримлари иш планига эга эмас, партия йиғилишларини ўтказиш муддатлари бузилмоқда. Йиғилишларда коммунистлар актив эмас. Коммунистларнинг ҳисоботлари кам тингланади. Бошланғич партия ташкилотлари жанговарлиги кўриги етарли савияда ўтказилмаяпти.

Шаҳар партия комитети бюроси ўз вазифаларини бажаришга совуққонлик билан муносабатда бўлганлиги, яъни партия бюроси аъзоларига етарли даражада талабчанлик кўрсатмаганлиги, цех партия ташкилотлари ва партия группаларига раҳбарликнинг паст савияси учун партия ташкилоти секретари Н. П. Шульцни қаттиқ огоҳлантирди, КПСС аъзоси Ўзбекистон ССР савдо министри М. Х. Ҳасановга цех партия ташкилотлари ва партия группаларининг фаолиятига раҳбарлик юзасидан партия топшириғини бажаришга масъулиятсизларча муносабатда бўлаётганлигини кўрсатиб ўтди ва улардан цех партия ташкилотлари ва партия группалари ишини яхшилаш бўйича аниқ тадбирларни белгилаш ва амалга оширишни талаб қилди.

Киров район партия комитети министрлик ва идораларнинг бошланғич партия ташкилотлари ишини етарли даражада назорат қилинмаётганлигига эътибор қаратилди.

Бюро район партия комитетига мақолада кўрсатилган камчиликларга барҳам беришда Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги партия ташкилотига таъсирчан амалий ёрдам бериш вазифасини юклади.

Шаҳар партия комитети бюроси шаҳар экономикаси ва социал ҳаётининг, партия ташкилотлари фаолиятининг бошқа масалаларини ҳам кўриб чиқди.

# Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ўзининг навбатдаги мажлисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Республика Министрлар Советининг «Тошкент шаҳри аҳолисини мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошка билан таъминлашни тубдан яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарори бажарилишининг бориши ҳақидаги масалани кўриб чиқди.

Таъкидлаб ўтилдики, Тошкент шаҳри аҳолисини мева-сабзавот маҳсулотлари билан ўз вақтида таъминлаш юзасидан юқори партия ва совет органларининг қарорларини бажара бориб, «Ташплодоовощпром» бирлашмаси коллективи муайян ишларни амалга оширди. Мавсум бошидан бери 70 минг тоннадан зиёд сабзавот тайёрланди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 9 минг тонна кўпдир. Картошка 10 минг тонна, мевалар 5 минг тонна, полиз маҳсулотлари 9,6 минг тонна, узум 800 тонна ортиқ жамғарилди.

Шаҳарда савдо майдони 13127 квадрат метр бўлган жами 164 та сабзавот магазини ишлаб турибди. Шаҳар саноат корхоналарининг кучлари билан 13 та магазин ишга туширилди. Стационар тармоқларга қўшимча равишда 346 сотувчи ўринли 266 та савдо палаткаси барпо этилган.

5-мева-сабзавот комбинати қурилиши бошланди. 3 минг тонна ҳажмли қўшимча сабзавот омбори қурилиши учун лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилди. «Москва» колхозида ҳажми 400 тонналик омборхоналарни реконструкция қилиш ниҳоясига етказилди, олтита қабул қилиш-тайёрлов базаларини реконструкциялаш ишлари олиб борилялти.

Айни пайтда, шаҳар аҳолисини мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашда ҳануз жиддий нуқсонлар ва камчиликлар бор. «Ташплодоовощпром» бирлашмасида мева-сабзавот маҳсулотларини етказиб бериш ва жамғариш ишларини ташкил этиш даражаси ҳозирги ошган талабларга жавоб бермайди, мева-сабзавотларни кенг ассортиментда етказиб бериш масалалари ўта қониқарсиз ҳал этиляпти.

Бунинг бош сабабларидан бири — харидорлар эҳтиёжини қониқарсиз ҳисобга олиш, экин майдонларини ассортиментлар ва сабзавот етказиб бериш муддатлари бўйича планлаштиришни ташкил этиш масалаларидаги расмиятчилик ва принципсизликдир. Бунинг оқибатида мева-сабзавот маҳсулотининг кўпгина турлари бир меъёрда жамғарилмаяпти.

Бирлашма улгуржи-чакана савдо идораларининг кўпгина магазинлари фаолиятида ҳали харидорларни тарозидан ва ҳақдан уриб қолиш фактларига чек қўйилмаган, савдо корхоналарининг санитария ҳолати ҳамиша ҳам қониқарли бўлавермайди. Омборлар ва базаларда мавжуд бўлган маҳсулот магазинлар ҳамда майда-чакана савдо тармоғига бир маромда ташиб келтирилмайди.

Моддий-техника базасини янада ривожлантириш ва оғир иш жараёнларини механизациялаш масалалари сусткашлик билан ҳал этиляпти. Аҳолининг мева-сабзавот магазинларига бўлган эҳтиёжи ғоят пастлигича қоляпти. «Ташплодоовощпром» бирлашмаси 1986 йил учун режалаштирган еттита мева-сабзавот магазини қурилишини ўта суст олиб боряпти.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг капитал қурилиш Бош бошқармаси мева-сабзавот савдоси учун ихтисослаштирилган учта магазин қурилишини ҳалигача бошламади. «Главташкентстрой» томонидан Юнусобод массивининг Чимкент трактида қурилиши планлаштирилган икки қаватли сабзавот магазинини қуриш бошлангани йўқ. Баъзи ижроия комитетларнинг айби билан саноат корхоналари ва ташкилотларининг кучлари ва маблағлари ҳисобига магазинлар қурилиши масаласи қониқарсиз ҳал этиляпти, зарур қурилиш материаллари ва эҳтиёт қисмлар йўқлиги сабабли комбинатларнинг моддий-техника базасини 1986 йил ҳосилини қабул қилишга тайёрлаш қониқарсиз бажариляпти.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Тошкент шаҳри аҳолисини мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш, ошган талабларни тўлароқ қондириш мақсадида «Ташплодоовощпром» бирлашмаси, савдо ва умумий овқатланиш Бош бошқармалари, халқ депутатлари район Советларининг ижроия комитетлари зиммасига Тошкент шаҳри аҳолисига белгиланган ҳажмда, ассортиментда ва шартномада кўзда тутилган қатъий муддатларда мева-сабзавот маҳсулотларини етказиб бериш ва ундан фойдаланиш бўйича белгиланган планнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш учун зудлик билан чоралар кўриш вазифасини юклади.

Аҳолини мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш борасида «Ташплодоовощпром»га амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети шаҳар план комиссияси зиммасига хориждан келтирилган электропогрузчиклар, компрессорлар ва автомобиллар учун «Ташплодоовощпром»га эҳтиёт қисмлар ажратишни сўраб Ўзбекистон ССР Госснабига тавсиянома билан чиқиш вазифасини юклади. Шунингдек, Ўзбекистон ССР Госплани билан биргаликда бешта металл қирқувчи дастгоҳ ва саккизта ёнғинга қарши ишлатилувчи моторли насослар ва бошқа техника учун фондлар ажратилиши масаласини кўриб чиқиш топширилди. Горплан ҳамда архитектура ва планлаштириш Бош бошқармасига «Ташплодоовощпром» билан биргаликда бир ойлик муддат ичида мавжуд сабзавот омборларини капитал ремонт қилиш ва реконструкциялаш юзасидан конкрет таклифлар киритиш топширилди.

Қуйидагилар таклиф этилди:

—қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жамғариш ва ташиб келишдаги мавжуд қолоқликни бартараф этишни кўзда тутиб, барча идорага бўйсинувчи муассасалар учун қўшимча топшириқлар ишлаб чиқилсин, савдо ташкилотлари фаолияти устидан назорат кучайтирилсин, шаҳар аҳолисига савдо хизмати кўрсатишни яхшилаш юзасидан партия ва ҳукуматнинг қарорларини бажариш борасида кадрларнинг масъулияти оширилсин; шаҳар атрофидаги колхозлар ва совхозлар билан хўжалик алоқаларини координациялаш кучайтирилсин, резервлар, жиҳозлар, савдо майдонларидан самарали фойдаланиш таъминлансин, коллективларда тарбиявий иш кучайтирилсин, савдо қоидаларининг бузилишлари ва суиистеъмол қилиш ҳолларига қарши қатъият билан кураш олиб борилсин;

— хўжалик ҳисоботини мустаҳкамлаш, иқтисод режимини кучайтириш, тайёрлаш ва сақлаш, сотиш пайтида турли хил исрофгарчиликни қисқартириш тадбирлари амалга оширилсин, бунда хўжасизлик, маҳсулотнинг бузилиши, маҳсулот жойланувчи идишларга ва материалларга эътиборсиз муносабатда бўлиниши ҳолларини барҳам топтиришга алоҳида эътибор берилсин.

Тошкент шаҳри аҳолисини мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошка билан йил бўйи таъминлашни яхшилаш мақсадида уни етказиб берувчи шаҳар атрофидаги хўжаликлар билан биргаликда аҳолининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини ўрганиш ва прогнозлаш иши такомиллаштирилсин, экинларни босқичма-босқич экиш ташкил этилсин, юқори сифатли мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларини етиштириш ва етказиб бериш юзасидан бериладиган буюртмаларнинг асосланганлиги таъминлансин.

Ижроия комитет Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг аппарати, Бош бошқармалари, бошқармалари, бўлимлари, трестлари ва бирлашмалари, халқ депутатлари район Советлари ижроия комитетларининг иш услубини такомиллаштириш тадбирлари ҳақидаги масалаларни, шунингдек, ўн тўққизинчи чақириқ халқ депутатлари шаҳар Советининг еттинчи сессиясида билдирилган истаклар, таклифлар ва танқидий мулоҳазаларни кўриб чиқди.

Ижроия комитет мажлисида шаҳар хўжалигини социал-иқтисодий ва маданий ривожлантиришнинг бошқа бир қатор масалалари кўриб чиқилди.



КПСС XXVII съезди: сифат, самарадорлик ва жадаллаштириш

# ХАЛҚ УЧУН КЎПЛАБ ИСТЕЪМОЛ БУЮМЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРАЙЛИК

## АҲИЛЛИК САМАРАСИ




Мана бу чеҳрасида табассум балқиб турган хотин-қизлар шаҳримиздаги «Учқун» тўқимачилик-галантерея ишлаб чиқариш бирлашмасининг илғор ишчилари. Улар корхонанинг кенг истеъмол буюмлари цехида меҳнат қилишади. Цех муваффақияти-ю, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати шу чеварларнинг меҳнатига боғлиқ. Улар орасида Лидия Викторовна Воробейкинадек мураббий ишчилардан тортиб, ўтган йили коллектив сафига келиб қўшилган Юлдуз Бердиева сингари ёш ишчиларгача бор. Цех йил сайин кенгаймоқда, ишчилар сони эса тобора ортиб бормоқда.

— Ҳозир олти хил турдаги маҳсулот ишлаб чиқараяпмиз,— дейди бизга цех бошлиғи Миновар Пирмуҳамедова, — Булар турли размердаги ёстиқлар, лента қолдиқларидан тайёрланадиган ранг-баранг халта-сумкалар, стул кўрпачаси, чойнак ёпгичи ҳамда турли-туман ёқалардан иборат.

Цех маҳсулотининг тури йил сайин янгиланади. Чунки, бу ерда маҳсулотнинг янги-янги турлари ишлаб чиқаришга жорий этилади. Бу йил корхонада яна бир янгилик содир бўлди. Илгарилари асосий цехларда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг қийқим қолдиқлари ташлаб юбориларди. Граммлардан тонналар ҳосил бўлганидек, йиғилиб қолган тонна-тонна қийқимлар чиқитга чиқариб ташланарди. Бу масала бир неча йиллардан бери корхона инженер-техник ходимларининг бошини қотирар, аммо ҳеч ким ундан қандай қилиб фойдаланиш йўлини билмасди. Ниҳоят, яқинда бу саволга ижобий жавоб топилди. Шу ерда тайёрланадиган ёстиқлар ичига пахта ўрнига мана шу қийқимлар тиқиладиган бўлди. Ҳам қулай, ҳам арзон. Унинг устига юмшоқлигини айтмайсизми. Шундай қилиб, корхона чиқит маҳсулотдан бутунлай ҳоли бўлди.

— Бу йил яна бир янги маҳсулот ишлаб чиқаришга киришдик, — дейди биз билан суҳбатда корхона директори Дадажон Юсупов. — Бу уч турдаги сочиқлардир. Шу муносабат билан корхонада янги участка ташкил этилди.

Участкада 7 киши ишлайди. Улар ўз касбини пухта ўзлаштириб олган тўқувчилар. Бир киши сменада 250—300 дона сочиқ тўқийди. Албатта, янги маҳсулотни ўзлаштириб олишнинг ўзи бўлмади. Мана, шу оғир дамларда корхона инженер техниклари ёрдамга келишди. Уларнинг самарали меҳнатлари туфайли тез кунда 6 та янги станок — «АТМ—175—5» тўқув машинаси монтаж қилиниб ишга туширилди. Ҳозир бу техника тўла қувват билан ишламоқда.

Сочиқ тўқиш участкасининг ишга туширилиши дастлабки 7 ой ичида корхонага 90 минг сўмлик даромад келтирди. Бу белгиланганидан 20 минг сўмлик кўпдир.

Корхонанинг кенг истеъмол буюмлари цехида бўлганимизда Зарима Танагирова бош бўлган бригада аъзолари ҳақида самимий, илиқ гапларни эшитдик. Бу коллектив вақтдан ўзиб ишламоқда. Бригадирнинг ўзи ҳаммага ибрат кўрсатаяпти. У шу кунларда учинчи квартал планини бажариш арафасида турибди.

Заремага бирлашма ишчилари катта ишонч билдиришди. У Ленин район Советига депутат бўлиб сайланган. КПСС аъзоси З. Танагирова бу ишончни ҳам сидқидилдан оқлаяпти. Унинг бригадаси болалар учун кичик духоба ястиқчалар ва халта-сумкалар тикиб, чиқаради. Бригаданинг ҳар бир аъзоси смена топшириқларини ортиғи билан адо этади. Улар пландаги 30 ўрнига, кунига 40—50 тага етказиб халта-сумка тикишга улгуришаяпти.

Бригаданинг ўз илғорлари бор. Ш. Каримова, М. Лафтиева, А. Ментарина, Ю. Бердиева шулар жумласидандир. Коллектив ўртасида ўзаро мусобақа йўлга қўйилган. Унинг шартлари йил бошида келишиб олинган. Шунга кўра пешқадам коллективга кўчма вимпел ва белгиланган пул муғофоти топширилади. Мусобақага эса ҳар ойда якун чиқарилади. Илғорларнинг номи қизил доскага, қолоқларнинг номи эса қора доскага ёзилади.

— Мен, ҳамкасбим Умри Абдуқодирова билан мусобақалашганман, — дейди цехнинг пешқадам ишчиларидан бири Юлдуз Бердиева. Ўтган ой якунига кўра кўрсаткичларимиз бир хил. Шуниси қувончлики, бажарган ишимиз ҳажмига қараб эмас, балки сифатига қараб ўлчанади.

Цех ўтган ойлик планни ортиғи билан адо этди. Барча маҳсулот турлари бўйича план топшириқлар муваффақиятли адо этилди. Пландан ташқари 5 минг сўмлик ортиқча маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Коллектив КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномасини кўтаринки руҳда кутиб олди. Шунга кўра, социалистик мажбуриятлар қайта кўриб чиқилди. Цех меҳнат аҳли йиллик планни олдинги мажбуриятдагидек 25 декабрда эмас, балки 5 декабргача бажаришга аҳд қилди.

**Қ. ИСОҚОВ,**

**СУРАТДА: корхона кенг истеъмол буюмлари цехи чеварларидан бир группасини кўриб турибсиз.**

## КОНВЕЙЕРДА— «КАМЕРТОН» МЕБЕЛИ

Сергели ошхона жиҳозлари ва бошқа мебеллар заводида йилнинг биринчи ярмида ишчилар ўртасида ташкил этилган социалистик мусобақада 1-цехнинг операторлари Гали Тагитдинов, Виктор Мартиновлар ғолиб чиқишганди. Бу ишчилар июль-август ойлари мобайнида ҳам жадал суръат билан меҳнат қилишди. Шунингдек илғор ишчилар М. Толипов, Х. Йўлдошев, А. Ашурматовлар ҳам ташаббус билан ишлаб, юксак унумдорликка эришиш намунасини кўрсатишди.

Мана шундай ишчиларнинг ғайрат-шижоати туфайли коллектив план ва мажбуриятларини мунтазам ортиғи билан адо этаяпти. Заводда йил бошидан бери тайёрланган буюмлар 17 миллион сўмликка етди. Бу маҳсулотнинг 442 минг сўмлиги планга қўшимча тайёрланди.

Бу йил заводда «Камертон» наборига кирган 9 та янги буюм ўзлаштирилди. Замонавий моделда, чиройли тайёрланаётган бу мебель набори харидорларга манзур бўляпти.

## «ГЎЗАЛ» ВА «БОТИР» УЧУН

«Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг кенг истеъмол буюмлари цехида чиқинди маҳсулотлардан кенг истеъмол буюмлари тайёрлашга катта эътибор берилаяпти. Яқинда бу ерда Тошкент ўйинчоқлар фабрикасининг буюртмаси билан «Гўзал» ва «Ботир» қўғирчоқлари учун кўйлаклар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу маҳсулотдан коллектив ойига 6 минг сўмлик тайёрлайди.

Кенг истеъмол буюмлари цехида қўғирчоқлар учун комплектлардан ташқари қизларнинг сарафани, болалар шортиги, стул учун кўрпача ва бошқа буюртмалар ҳам тайёрланяпти. Бу йил коллектив жами 500 минг сўмликка яқин кенг истеъмол буюмлари тайёрлайди.

## ВАЪДАГА ВАФО ҚИЛАМИЗ

Бирлашмамиз шаҳримизда 1966 йилдаги зилзиладан кейин пайдо бўлган. У йилдан-йилга ишлаб чиқаришни юксалтириб, шаҳримиз аҳолиси учун тобора кўп ва арзон буюмлар тайёрлашга, маҳсулот хилини кўпайтиришга, сифатини яхшилашга ҳаракат қилмоқда. Коллективимиз фаолиятида айниқса ўтган йил унутилмас бўлиб қолди. 1985 йилдаги ва ўн биринчи беш йиллик план ва мажбуриятларини бажаришда эришган юксак кўрсаткичлар учун республика социалистик мусобақаси ғолиби бўлдик. Коллективимизга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари Республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи берилди. Коллектив номи Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидаги республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзилди.

Бирлашмамиз эркаклар ва болаларнинг шимлари, такси ҳайдовчиларнинг формалари ва бошқа буюмларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Биз бу буюмларнинг асосий қисмини аъло сифатда тайёрлаяпмиз. Эркаклар шими эса «Н» (янгилик) индекси билан тайёрланмоқда.

1986 йилнинг етти ойи ҳам корхонамизда қизғин меҳнат даври бўлди. Коллектив маҳсулот реализация қилиш бўйича етти ойлик план ва мажбуриятларни ортиғи билан адо этиб, жами 11 миллион 173 минг сўмлик турли хил буюмлар ишлаб чиқаришга муваффақ бўлди.

Тикувчилар КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномасини қизғин маъқуллаб кутиб олдилар. Ундаги мусобақага янгича мазмун бахш этиш, унинг ошкорлиги ва таъсирчанлигини ошириш ҳақидаги сўзлар биз учун ҳаракат программаси бўлиб қолди. Меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, ресурсларни тежаш ҳозир биздаги мусобақанинг бош йўналишидир.

Коллективимизда КПСС Марказий Комитетининг Мурожаатномаси муҳокама қилинганда биринчи бўлиб мен ва бичув цехининг пресловчиси Меҳрибон Рашитдинова беш йилликнинг икки йили планини Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига қадар бажариш ташаббуси билан чиқди. Бу ташаббусни корхонанинг 47 илғор ишчиси қўллаб-қувватлади. Ҳозир биз мана шу ваъдамизни адо этиш учун меҳнат ғайратини тобора оширмоқдамиз.

Биз чеварлар ўзимизнинг ҳалол меҳнатимиз билан халқ учун кўплаб кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришдек шарафли вазифани адо этаётганлигимиздан беҳад фахрланамиз. Буюмлар сифатини янада яхшилаш, оз меҳнат ва маблағ сарфлаб, кўп ва харидоргир маҳсулот тайёрлаш учун бундан буён ҳам ғайрат билан меҳнат қилаверамиз.

**А. ГЛУХОВА,**

**Сергелидаги Октябрь 50 йиллиги номидаги тикувчилик бирлашмаси бичувчиси.**

## ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

## ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

◆ НЬЮ-ЙОРК. Жанубий Королина штатининг соҳил бўйидаги Хилтон-Хед оролида ўтаётган АҚШ губернаторлари миллий уюшмасининг навбатдаги съездида Рейган маъмуриятининг агрессив ташқи сиёсати ва ҳалокатли ички сиёсати қаттиқ танқид қилинди. Рейган маъмуриятининг АҚШ миллий гвардияси бўлинмаларини Никарагуа чегаралари яқинида иғвогарлик машқларида қатнашиш учун Гондурасга яна юбориш режалари съезд қатнашчиларининг айниқса қаттиқ норозилигига сабаб бўлди

◆ ХАРАРЕ. Зимбабве Намибия халқининг Жанубий Африка Республикаси ва унинг иттифоқчилари агрессив ҳаракатлари ва терроризми авж олган шароитдаги мардлигини табриклайди. Зимбабве Бош министри Роберт Мугабенинг Намибия куни муносабати билан Жануби-Ғарбий Африка халқ ташкилотининг президенти Сэм Нуйомага мактубида ана шундай дейилади. Ҳужжатда Намибияга мустақиллик бериш масаласининг унга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган Куба қўшинлари қисмларининг Анголада бўлиши масаласи билан боғлашга уринишлар қораланади.

## 33 МИЛЛИОНДАН ОРТИҚ ҚАШШОҚ

◆ ВАШИНГТОН. Капиталистик дунёдаги энг бой мамлакат ҳисобланган Қўшма Штатларда расмий равишда белгилаб қўйилган «қашшоқлик чегараси»дан ҳам оғир аҳволда яшаётганлар Бельгия, Голландия, Дания ва Норвегия аҳолисини бирга қўшиб ҳисоблаганда, ундан ҳам кўпдир. АҚШ аҳолини рўйҳатга олиш бюросининг бугун бу ерда эълон қилинган «Американликлар орасида қашшоқлик ва даромадлар» докладида ана шундай маълумотлар келтирилган. Ундаги маълумотларга қараганда, 1985 йилда АҚШда 33,1 миллион қашшоқ расмий равишда рўйҳатга олинди.



ЧССР. СУРАТДА: адресация кўлами бўйича хотирада 8192 сўзни сақлай оладиган саккиз разрядли микропроцессор.

ЧТК — ТАСС фотоси.

КАЛЕЙДОСКОП

## КУТИЛМАГАН «СОВҒА»

Катта йўл бўйлаб инкассатордан 8000 фунт стерлингни тортиб олган босқинчилар минган автомобиль елиб борарди. Бироқ машина кабинасини кутилмаганда пул бўлган портфелдан чиқаётган аччиқ тутун қоплади. Ўз ҳаётларини сақлаб қолиш учун ўғрилар портфелни йўл-йўлакай улоқтириб юборишга мажбур бўлдилар.

Бу — Дублинда рўй берган ҳақиқатдир. Жиноятчилар рўбарў келган «совға» эса «Трансаларм» фирмаси томонидан тайёрланган. У икки қисмдан иборат — микроприёмник ва микропередатчик. Биринчиси ҳар қандай портфелга жойланади, иккинчиси инкассатор чўнтагида бўлади. Улар бир-бирндан бир ярим метр масофага узоқлашиш ҳамоноқ кескин огоҳлантирувчи овоз эшитилади. Башарти бу масофа сақланиб турса ёки олислашса яна бир марта огоҳлантирилади. Сўнгра мослама ўғрига диққатни жалб этиш учун қуюқ пағa-пағa тутун чиқара бошлайди. Мабодо шунда ҳам жиноятчилар нопок йўлларидан қайтмас экан, ўғирланган пулларга махсус бўёқ пуркалиб, реализацияга яроқсиз қилиб қўяди.

## РЕКОРД ЯНГИЛАНДИ

44 ёшли Бомбей истиқоматчиси Гиннесснинг рекордлар китобидан ўрин олган рекордни янгилашга муваффақ бўлди. Бомбейлик ёзув машинкаси олдидан 123 соат мобайнида жилмади. Машинкада ёзиш марафонида мусобақа шартига кўра ҳар соатдан кейин 5 минут танаффус қилинди. Янги жаҳон рекордчиси беш кеча-кундуз давомида ёзув машинкаси клавишларини 806 минг марта ҳаракатлантирган. Бинобарин мусобақа бошланишида у бир минутда 60 та сўз ёзган бўлса, охирги соатда бомбейлик бир минутда 15 сўз ёзган, холос.

ЖАМИЯТ ВА ҚОНУН

## Ҳуқуқ билимлари—оммага

Корхона коллективи ўртасидаги ҳуқуқ пропагандасининг аҳволи, профилактика тадбирларининг самараси ҳақида шу ишнинг пировард натижаларига кўра хулоса чиқариш мумкин. Чунончи, кейинги пайтда «Таштекстильмаш» заводида иш вақтининг йўқотилишлари қисқарди, прогуллар камайди, меҳнат унумдорлиги ўсди.

Бунга корхонада меҳнат қонунчилигини ўрганиш машғулотлари ўтказилаётгани, ишлаб чиқариш интизомининг аҳволи учун цехлар маъмурияти ва жамоат ташкилотларининг масъулиятини ошириш чоралари кўрилаётгани туфайли эришилмоқда. Ҳозир меҳнат ҳуқуқлари бўйича завод комиссияси ҳар йили ўнтача ишни кўриб чиқяпти.

Заводда ҳуқуқий тарбия самарадорлигини ошириш бўйича комплекс тадбирлар ишлаб чиқилган. Цехлар, бўлимлар, участкаларда меҳнат қонунчилиги асослари ўрганилмоқда. Техника таълими курсларида меҳнат қонунчилиги бўйича машғулотлар мунтазам ўтказилади. Унда раҳбар ходимлар, кадрлар бўлими ходимлари, ёш ишчилар шуғулланадилар. Бундай билимларга мастерларнинг қизиқиши анча ўсди.

Лекция пропагандаси ҳуқуқ билимларини ёйишнинг оммабоп формасига айланган. Район прокуратураси ходимлари заводга тез-тез келиб турадилар. Улар шу йил бошидан бери 20 га яқин лекция ўқишди. Янги меҳнат ҳақидаги қонунчилик ҳақида, социалистик мулкни асраш, безорилик, ичкиликбозликка қарши курашни кучайтириш зарурлиги ҳақида гапириб беришди. Бундай лекцияларни уюштиришга пухта тайёргарлик кўрилаётганини айтиб ўтмоқ лозим. Партия комитети корхона хизматларидан лекциялар учун олдиндан буюртма йиғади. Саволлар умумлаштирилгач, у ёки бу мавзуга бўлган қизиқиш ҳисобга олиниб, перспектив план тузилади. Лекторлар цехдаги, участкадаги ишларнинг, меҳнат интизомининг аҳволи билан танишгандан кейингина лекция ўқишади. Бу уларга лекцияни муайян мақсадга йўналтириш, конкрет мисоллардан фойдаланиш имконини беради. Табиийки, бу меҳнат коллективи билан учрашув самарасини оширади.

1970 йилдан бери ишлаб турган ҳуқуқ билимлари халқ университети кўпчиликка манзур бўляпти. Ўтган даврда уни икки мингдан зиёд киши битирди. Ҳозир университетда суд ишлари, меҳнат қонунчилиги, жамоат тартибини сақлаш ва пенсия қонунчилиги факультетлари ишлаб турибди. Бу тўртта факультетнинг ҳар бирида 150 —200 киши ўқияпти. Булар асосан ишчилардир. Улар ойда икки марта лекция тинглайдилар, семинарларда қатнашадилар, халқ судининг сайёр мажлисига борадилар. Тингловчилар курсни битиргач, рефератлар ёзадилар. Ҳуқуқ билимларини энг яхши ўзлаштирганлар ўз цехларида ҳуқуқий мавзуда суҳбатлар ўтказишади.

Совет қонунчилиги асослари бир қатор иқтисодий темаларни кўриб чиқишда коммунистик меҳнат ва илғор тажриба мактабларида ҳам ўрганилади.

Ҳуқуқий тарбия самарадорлигини оширишнинг комплекс сиёсатини ишлаб чиқариш ва амалга оширишда завод юристлари фаоллик кўрсатишмоқда. Бу ўз навбатида бутун ишлаб чиқариш самарадорлигини янада юксалтиришнинг зарурий шартларидан биридир.

**Е. МОРДУХАЕВ,**

Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган юрист.

Меҳнатсиз даромадларга—йўл йўқ!

## «Менинг нафсим балодир...»

**Аёлларимиз «Может быть» деган духи борлигини, бу атирнинг ҳиди «мушк-анбар»ни эслатишини яхши билишади. Аммо бу духини магазин пештахталаридан тополмай қийналишади. Шунинг учун чайқовга боришади....**

«Узгалантерея» базаси ишчиси Бахтиёр Қаюмов ўзига тўқ, топар-тутари яхши. Аммо унинг нафси ҳаккалак отган. Текин пул топишга ружу қўйган. Чайқовчилик кўчасига кирган. Ахир қўлидан бир эмас, қути-қути «Может быть»лар, француз духилари ўтади-ю, қараб турсинми?! Қўйнига уради-да! Қарабсизки, «Октябрь» колхоз бозорининг гоҳ у чеккасига, гоҳ бу чеккасига кўчиб турадиган чайқов бозорининг «гули» бўлади-қўяди. Бу сафар олтита флакон духини 20 сўмга чайқаётганида ўзи чайқалиб тушди. Тинтув қилинганда «хуржуни»дан яна 54 та «Может быть» духиси чиқди.

Битта «Может быть» духи давлат нархида 1 сўм 20 тийин туради. Агар Б. Қаюмов бу духиларни чайқаса қанча фойда кўради? Нақ 128 сўм. Бир кунда шунча пул тешиб чиқадими? Шу эмасми, меҳнатсиз даромад?!

Ҳа, текин томоқ бир кунмас бир кун тешиб чиқади. Мана, кўза кунда эмас, кунида синди. Чайқовчи тумшуғидан илинди. Бўлмаса ҳали ёш — бор-йўғи йигирма уч ёшда. Тоғни урса талқон қилади. Ҳалол ишлаб, ўзини кўрсатадиган палла. Меҳнат эса кишини улуғлайди. Аммо у буни тушунмади...

Аёллар атир-упага ўч бўлишади. Айни замонда унинг турлари ҳам, хиллари ҳам кўпайиб кетган. Аммо улар доимо топилавермайди. Агар магазинлардан топилганда эди янгиободлик Абдимўмин Рўзиев ҳам суд қора курсисида ўтирмас эди.

Бир донишманднинг айтишича, нафс шундай балоки, у ҳатто кишини ёнган ўтга солар экан. Албатта, бу ўз нафсини тия олмайдиган, очкўзликка, мешчанликка берилган кимсаларга нисбатан айтилган. Абдимўмин ҳам нафсини тия олмади. Чўнтагида жарақ-жарақ пул бўлишини истади. Буни чайқовчилик йўли билан бажаришга киришди. Шу мақсадда «Октябрь» колхоз бозорига бориб, Францияда ишлаб чиқарилган 80/1 артикулли — давлат баҳоси 7 сўм бўлган аёллар кипригини бўяйдиган тушни 10 сўмга сотаётганида ОБХСС ходимларига дуч келди. Тинтувда унинг ёнидан 19 дона туш, 250 сўм пул чиқди. Эндигина 29 ёшни қаршилаган йигитча бу ҳолига «моддий қийналганимдан» шундай қилдим, дея изоҳ берди. Аслида эса бундай эмас эди. У нафсга берилганди. Беш панжани оғзига солган эди...

Ҳозирги ёшларнинг айримларини чайқовчилик билан шуғулланаётганини кўриб ачинасан, киши. Шу ҳам йигит кишига хосми? Айни меҳнат қилиб, ўзини кўрсатадиган пайтда шу иш эр йигитга ярашадими? Ахир ёшларни завод, фабрикалар, қурилишлар кутмоқда. Ҳалол меҳнат қилиб, ҳалол яшаганга, тинч ухлаганга нима етсин?!.

Абдусаттор Шукуров ҳам ёшликнинг қадрига етмади. Озгина чойчақа деб, бир умр ўз номига доғ туширди. У ҳам чайқов бозорида бир флаконни 1 сўм 20 тийинлик «Может быть» духисини 3 сўмдан пуллаётганида қўлга тушди. Ёнидан эса сиз билан биз магазинма-магазин қидириб юрган 96 флакон «Может быть» чиқди. Меҳнатсиз даромад бу! Келинг, яна эринмай ҳисоб-китоб қилайлик. Агар у 96 флаконни 3 сўмдан сотганида 173 сўм 20 тийин фойда кўрган бўлар эди. Аммо бунинг акси бўлди. Чўнтагига пул эмас, шаънига доғ тушди, ёшликни совурди. Судда аҳмоқлик қилганлигини, пушаймон қилаётганлигини, бошқа қилмаслигини айтди. Аммо энди кеч.

Сўнгги пушаймон — ўзингга душман, дейдилар. Кимки қинғир йўлга кирар экан, унинг миси чиқмай қолмайди. Ҳар ким ўз қилмишига яраша топади. Зеро, Саъдий Шерозий айтганларидек:

**Кимки бузуқ этар хору зор,**
**Гар оқил эсанг сен уни айла хор.**

Ана шундай эгри ниятда юрган ёшлар шоирнинг бу икки сатрининг мағзини чақиб олсалар ёмон бўлмайди.

**Т. ТОШЕВ,**

**«Тошкент оқшоми» мухбири.**

